

O'ZBEKISTONDA

FANLARARO INNOVATSIYALAR

VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI

2023
20-Noyabr

ISSN: 2181-3302



Exact
Natural
Medical
Technical
Economics
Philological
Pedagogical
Social sciences
and humanities





24-SON

O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA
ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI

20.11.2023



“O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR” JURNALI



«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

MATERIALLARI TO'PLAMI

20-NOYABR, 2023-YIL

24-SON

O'ZBEKISTON
2023





Ushbu to'plamda "O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali" ilmiy jurnaliga kelib tushgan maqolalar o'rin olgan.

Mazkur jurnalda zamonaviy ta'lim tizimini rivojlantirish jarayonida innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish va loyihalashtirish, integratsion ta'limni rivojlantirishda yo'nalishlar bo'yicha kreativ g'oyalar, takliflar va echimlarni amalga oshirish maqsad qilib olingan. Mazkur jurnal materiallaridan OTM professor-o'qituvchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari va umumta'lim maktab o'qituvchilari, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar, ilmiy xodimlar, iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalaishlari mumkin.

Eslatma! Jurnal materiallari to'plamiga kiritilgan maqolalardagi raqamlar, ma'lumotlar haqqoniyligiga va keltirilgan iqtiboslar to'g'riligiga mualliflar shaxsan javobgardirlar.



MUNDARIJA:		
1.	Mamatov Avaz Agzamovich <i>BOLALAR UCHUN SPORT BAYRAMLARINI TASHKIL QILISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.</i>	8
2.	Mo'minjonov Mirjalol Muqimjon o'g'li Aliqulova Irodaxon Maxmudovna <i>KO'Z KASALLIKLARINI DAVOLASHDA XALQ TABOBATINING AXAMIYATI</i>	13
3.	Худайберганова Роза Джумадурдиевна <i>КАК МОЖНО БЫСТРО НАУЧИТЬСЯ ГОВОРИТЬ ПО-РУССКИ?</i>	16
4.	Madiyor Turdiyev <i>YANGI O'ZBEKISTON SHAROITIDA JALOLIDDIN MANGUBERDI SHAXSIYATINI O'RGANISHNING TARIXIY VA TARBIYAVIY AHAMIYATI.</i>	18
5.	Jo'rayeva Ozoda Karim qizi <i>YOSHLARDA KITOBXONLIKNI TARG'IB QILISH VA KITOBXONLIK MA'DANIYATNI YUKSALTIRISH.</i>	23
6.	Allanazarova D.J <i>SIZIQLI EMES PROGRAMMALASTIRIWDIN' ULIWMA MA'SELESI</i>	25
7.	Тўраева Лайло Омоновна <i>ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ДЕҲҚОН ОЛҚИШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИФОДАСИ</i>	29
8.	Mirzayev Akmal Arifjonovich. <i>MARKAZNING O'ZBEKISTONGA AMALGA OSHIRGAN QATAG'ON SIYOSATI VA UNING MOHIYATI.</i>	33
9.	Erkinoy Saitova <i>OMMAVIY BAYRAMLARDA RAQS SAN'ATINING O'RNI</i>	37
10.	Samatxanova Gulchehra Zokr qizi <i>HOMILADORLIK VAQTIDA TO'G'RI OVQATLANISH</i>	42
11.	Мирхосилов Улугбек Алишер угли Ашурметова Н.А <i>СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН</i>	45
12.	Akbarova Shoxida Abdukaromovna <i>PEDAGOGLAR FAOLIYATIDA PSIXOLOGIK SALOMATLIKNI NAMOYON BO'LISH OMILLARI</i>	50
13.	Komilov Ma'rufxon Sobirxonovich <i>O'HTM HARBIY XIZMATCHILARINING HARBIY-KASBIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK-</i>	55



ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ДЕҲҚОН ОЛҚИШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИФОДАСИ

Тўраева Лайло Омоновна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ўзбек фольклорида деҳқон олқишлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Деҳқонлар ҳаёти билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, маросимлар улар томонидан айтиладиган олқиш ва қарғишларда ўзига хос шаклда бадиий ифода этилганлиги кузатилади. Деҳқон олқишлари, одатда, деҳқончилик юмушларининг бошланиши ёки тугатилиши муносабати билан айтилади. Улар кўпроқ қишлоқ оқсоқоллари, кекса деҳқонлар ёки онахонлар томонидан айтилган. Ушбу мақолада деҳқон олқишларининг ўзига хос бадиий талкинлари баён этилади.

Калит сўзлар: деҳқон олқишлари, маросим, аграр культ, деҳқончилик ғирлари, Одам Ато, Бобо Деҳқон, Хизр, халқ ижодкорлиги, қарғишлар, аграр ритуаллар.

Ўзбек фольклорида деҳқон олқишлари ва қарғишлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Деҳқонлар ҳаёти билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, маросимлар улар томонидан айтиладиган олқиш ва қарғишларда ўзига хос шаклда бадиий ифода этилганлиги кузатилади.

Ўзбек фольклорида деҳқонлар томонидан яратилиб, асрлар давомида ижро қилиниб келинган халқ оғзаки ижоди намуналари борки, улар алоҳида эътиборни тортади. Аммо бу борада ҳозиргача кўпроқ деҳқончилик қўшиқлари ўрганилиб келинган, холос. Ҳолбуки, деҳқонлар фольклорида деҳқон олқишлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Деҳқон олқишлари, одатда, деҳқончилик юмушларининг бошланиши ёки тугатилиши муносабати билан айтилади. Улар кўпроқ қишлоқ оқсоқоллари, кекса деҳқонлар ёки онахонлар томонидан айтилган.

Деҳқон олқишларининг мавжудлиги қадимги аграр культларга сиғиниш билан боғлиқ аграр маросимлар тизими амал қилганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, деҳқончиликда муайян аграр культларга сиғиниб, турли ритуал тадбирлар ташкил қилинган. Жумладан, далага қўш чиқаришда “Шох мойлар”, ўрим даврида “Обло барака”, ҳосилни йиғиштириб бўлган “Хирмон тўйи” кабилар ўтказилган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ритуал тадбирларнинг ҳар бири ўз вербал қисмига, ўтказилиш тартибига, ритуал таомига эга. Айтайлик, “Шох мойлар” маросимида “қўш оши” деб, гўжа пиширилса, “Хирмон тўйи”да гўшт ва буғдой ёрмасидан ҳалиса пиширилган. Улар ейилгач, кекса деҳқонлар дуога қўл очиб, деҳқонни, деҳқончиликни, мўл ҳосил олишни олқишловчи айтимлар айтганлар. Бундай олқишлар ўз мавзу йўналиши, образлар таркиби билан ўзбек халқ олқишлари орасида алоҳида ажралиб туради. Қадимги



деҳқончилик аграр ритуаллари билан боғлиқ тарзда келиб чиққан деҳқон олқишлари деҳқончилик пирларига мурожаат кўринишида яратилган. Унда кўпинча Одам Ато, Бобо Деҳқон ёки Хизр номига мурожаат қилинади. Чунки ўзбек халқ афсоналарида Одам Ато жаннатдан чиқарилгандан кейин қорни оч қолиб қийналиб турганида олдида ҳазрат Жаброил пайдо бўлибди. У жаннатдан бир ҳовуч буғдой, битта қизил ва битта қора хўкизларни омочу бўйинтуруғи билан олиб келиб, Одам Атога хўкизни қўшга қўшганча ер ҳайдашни ва буғдой экишни ўргатибди. Шунинг учун Одам Ато деҳқонларнинг пири, биринчи деҳқон – Бобо Деҳқон сифатида эъзозланади.

Ўзбек афсоналарида буғдой экиб, деҳқончилик қилиш анъанасининг юзага келиши серҳосиллик, доимий яшиллик ва ҳаёт суви тимсолига айланган мифологик персонаж – Хизр номи билан ҳам боғлаб талқин қилинади. Шу боисдан деҳқончилик олқишларида Хизр номига мурожат кенг учрайди.

Хоразмлик деҳқонларнинг ўзига хос удумларини ўрганган этнограф Г.П.Снесаревнинг маълумот беришича, буғдойни чош қилгандан кейин маълум вақт хирмон қаровсиз қолдирилган. Ана шу пайтда Хизр келиб, хирмонга барака ҳада қилиб кетади, деган тасаввур бўлган. Шу каби эътиқодий қарашлар туфайли деҳқонлар хирмон чошлаётганда “Хизр дорисин”, Хизр назар қилсин”, “Хизр баракасини берсин” каби яхши ниятлар қиладилар.

Ҳосилнинг баракасини Хизр билан боғлаш тасавури фақат Хоразмда эмас, Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари орасида ҳам учрайди.

Умуман айтганда, серҳосилликни тилаш деҳқон олқишларининг етакчи мавзу йўналишини ташкил қилади.

Деҳқон олқишлари насрий ёки шеърий кўринишларда учрайди. Насрий кўринишдаги бундай олқишларда сажъ муҳим ўрин эгаллайди: «Ё пирим, Деҳқон бува! Ўзинг қўллагайсан, ёмғирларни ёғдиргайсан, майсаларни ундиргайсан, бола-чақанинг ризқини етказгайсан! Илойим, Деҳқон бува дорийберсин, баракасини бераверсин. Курт-қумурсқа, жонли-жонзотдан қолгани меники! Бахш этдим, кўпнинг насибасига, Деҳқон буванинг йўлига, омин». Қўш ҳайдашни бошлаб берганда айтиладиган бу каби насрий олқишларнинг таъсирчанлигини оширишда сажънинг ўрни сезиларлидир.

Шеърий кўринишдаги олқишлар ўзига хос бадий-композицион хусусиятлари билан ажралиб туради:

*Бош-бошингга, бошингга,
Барака берсин ошингга,
Айни саҳар бўлганда,
Хизр келсин чошингга.*

Бу шеърий шаклдаги олқиш бармоқ вазнида бўлиб, ундаги мисралар миқдори 7- 8- 7 -6 кўринишидадир. Ундаги биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар *бошингга, ошингга, чошингга* сўзлари орқали ўзаро қофияланиб, учинчи мисра очиқ қолган.



Дехқон бойга ёлланиб ишлар экан, бой унга етиштирган ҳосилидан адолатли ҳақ чиқармаган. Шу кам иш ҳақи учун деҳқон эртадан кечгача тинимсиз меҳнат қилгани кўшиқларда алам билан куйланади. Аммо баъзан нобакор бойлар уни-буни баҳона қилиб, деҳқонга шу арзимаган иш ҳақини ҳам бермасликка уринишган. Бу ҳақиқат кўшиқларда алоҳида талқин қилинган.

Ўлсин, бойнинг оти ўлсин,
Томорқамни яксон қилди.
Оти ўлмаса ўзи ўлсин,
Бизларни хонавайрон қилди.

Ушбу мисраларда очкўз ва раҳм шафқатсиз боларга нисбатан қарғишлар ўз ифодасини топган. Бунда камбағал деҳқонларга нисбатан бой-зодагонларнинг ўзи истаганча мунобатда бўлишидан норозилик кайфиятини англаш мумкин. Демак, ўзбек фольклорида ҳукмрон табақа вакилларига нисбатан норозилик кайфиятини ифодалаш мақсадида қарғиш кўшиқлари ҳам юзага келган.

Хуллас, деҳқон олқишлари халқ ижодкорлигининг ўзига хос бадиий шакллари билан бири бўлиб, сўз сеҳрига, аграр культларга ишонч, деҳқончилик пирларига эътиқод замирида шаклланган. Бундай олқишларни ўрганиш орқали маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихини ўрганиш мумкин. Қолаверса, эзгу ниятга йўғрилган халқ олқишлари маънавий жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялашда муҳим восита вазифасини ўтай олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – Т. 4. – С. 170-174.
2. Тураева Л.О. ARTISTIC AND COMPOSITIONAL FEATURES OF HARVEST SONGS//Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- С. 629-634.
3. Rajabova R. Z. A LITERARY RIDDLE FROM A FOLK RIDDLE //European Scientific Conference. – 2020. – С. 139-141.
4. Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020.
5. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
6. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 47-49.
7. Saidahmedovna U. D., Qizi R. G. B. Beliefs About the " Tree of Life" in Uzbek Folklore //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.